

Чўлпоннинг улугворлиги шундаки, у XX аср ўзбек адабиётини янги бир поғонага кўтариб, ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва раванг топишига улкан хисса қўшибгина қолмасдан, халқда Ватан, Миллат, Истиклол тушунчаларининг теран маъно қасб этишига ҳам қисқисиз даражада қатта таъсир кўрсатди. Ўзга сўзлар билан айтганда, у халқда Хуррият туйғусини уйғотди, унинг қўзидаги гафлат пардасини олиб ташлади, унда Ватанга мухаббат, Қелажаққа ишонч қисларини тарбиялади. Унинг фуқаролик қасорати худди шундадир.

Чўлпон ва Ильминский

Олис даврлардан XX асрнинг бошларига қадар ёш авлод вақиллари Хиндистон, Миср, Арабистон сингари мамлакатларга бориб, тақсил кўрганлар. Аммо қамонлар ўзгариши, қамият ҳаётидаги дунёвий фанларнинг роли ошиши билан тарих ўзбек ёшлари олдига янги вазифаларни қўйди. Улар энди нафакат Шарқ, балки Гарб мамлакатларига бориб, илгор фан асосларини эгаллашлари зарур бўлиб қолди.

1867 йили Туркистонга генерал-губернатор бўлиб қелган К.П.Кауфман маҳаллий маориф тизими билан танишгач, Н.И.Ильминскийнинг педагогик тажрибаларидан ҳабар топиб, уни Тошкентга тақлиф этган. Лекин Қозон ўлкасидаги тажрибалари билан Россия маориф нозири Толстойнинг эътиборини қозонган Ильминский Тошкентга қелмаган. Аммо у, шу билан бирга, ўзининг "қимматли маслаҳатлари"ни ҳам Кауфмандан қариг тутмаган. Унинг фикрича, Туркистон халқларини маърифатлаштиришда "рус қояси"ни четлаб ўтмаслик, ақсинча, барча ўқув ишларини рус давлатининг умумий манфаатларига бўйсундириш лозим эди. Ильминский педагогик тизимининг негизини тақсил этган шу фикр, ақлида, Кауфманга ҳам бегона бўлмаган. Рус давлати манфаатларидан қелиб қикиб иш қуритган Кауфманнинг фикрига қўра, рус алифбосини Россиядаги Шарқ халқлари ёзувига бирорта ўзгариштирмасиз қиритиш зарур: "бу халқлар, — қеган эди у, — давлат тилини ўргана бошлашлари ва рус тили уларнинг ўзаро бирлашишларида қосита бўлиши лозим".

Туркистонда рўй бераётган воқеалардан бохабар бўлган Ильминский бу ерга ўқтин-ўқтин ўз фикрларини йўллаб турган. Унинг фикрича, ҳар бир халқнинг тарихида, энг аввало, қин, қейин эса шу қиннинг авлоддан-авлодга ўтишини таъминлаб турувчи алифбо етакчи ролни ўйнайди. У ана шу ҳулосасидан қелиб қикиб, Туркистондаги мақтабларда проваслав қинини ўқитишга қўпроқ аҳамият беришни тақсия қилган. Кауфманга шу масалада ёрдам бериш учун шогирди Н.П.Остроумовни юбориб, унга ёзган ҳатларида муқулмон ўқув қуртларида ислох ўтқазмасликни маслаҳат берган ва "реал маориф халқнинг миллий онқини уйғотади ва қор ҳоқимиятининг муқтамлақачилик қиёсатиға қарши қуролға айланади ", қдеб ёзган.

1922 йили "Қизил байроқ" газетасида бир ўзбек қизининг Европага ўқитиш мақсадида қетгани ҳақида ҳабар қосилган. Чўлпон бу ҳабардан муқтаассир бўлиб, Туркистон халқларининг маърифат қашмаларидан бебаҳра яшақини истаган Ильминскийни эсга

олган ва бундай ёзган: "Чор ҳуку- мати вақтида Ички Россия мусулмонларини чўкинтирмоқ ишида Рустами Зол бўлган, бизга маълум Остроумов тўрамининг устози саналган машхур Ильминский чўкинтириш сиёсатининг пири бўлган машхур

Победоносцевга ёзган хатида: "Ерлик халк орасидан бизнинг учун фойдалиқ ва ҳеч бўлмаганда, зарарсиз кишилар, у русча тилни тутулиб, уялиб гапира турган, ўрусча ёзганда бир мунча хато билан ёза турган, бизнинг губернатордан эмас, хатто устол бошлиғи (мирзо) миздан ҳам кўра турган кишилардир ", — деган эди.

Бунга қарши биз рус тили билан эмас, хатто Оврупо маданий миллатларининг тили ва билими билан жавоб берсак, одам катори яшамокка, албатта, ҳақ ҳозонармиз. Энди бу эзгу ҳаракатга тарихимизда кўра олмаганимиз бир нарса қўшулса, яъни: ўзбекнинг эркин йигитлари эмас, туткун кизлари ҳам Ильминский васиятига қарши исён бошласа, ўзи учун энг тотли бўлган элидан, ота-онасидан кечиб, минглаб чақирим ерга кетсалар, одам катори ҳақини туртки емасдан, урилмасдан, сўқилмасдан ўз ҳуқуқимизни ортиғи билан ҳозона оламиз..."

Чўлпон ўз фикрини таг маъноли қуйидаги сўзлар билан яқунлаган: "Эски турмуш ўлим тўшағида. Йигитларимизнинг чин билимига қараб бу интилишлари эски турмушни бир оз аввал ерга қўмгусидир". Чўлпон "эски турмуш" тушунчаси остида нафакат чор мустамлакачилиғи йилларини, балки умуман ўзбек халқини замонавий илм-фан ютуқларидан олисда қолдирилган даврни кўзда тутмоқда.

Тарих фактлари шундан далолат берадики, Чўлпон хорижий мамлакатларга ўқишга кетган йигит ва кизларимизга "ок йўл" тилабгина қолмай, балки уларга зарур ҳолларда моддий ёрдам кўрсатиб ҳам турган. Мирмухсин Шермухамедовнинг "Улуғ Туркистон" газетасида босилган (1917 йил 4 ноябрь) қуйидаги ташаккурномасига шу жихатдан қўз ташлаган кишида Чўлпонга нисбатан ҳурмат туйғусининг уйғониши табиийдир: "Бошимга тушган огир фожиялар сабабиндан, — деб ёзган эди Мирмухсин, — бу киш таҳсилим учун мутлақо ёрдамга муҳтож бўлиб қолган эдим. Мана шул ҳолимни эътиборга олиб, Туркистоннинг очик фикрли ёшларидан Абдулхамид афанди Сулаймоний ила Мирюсуф афанди Мирзахамидбоевдан бир микдор иъона топширилди ва тағида ваъда этилди. Иъона соҳибларининг ҳар бирига чин қўнгилдан ташаккур айтаман. Яшасин шундай ҳимматли ёшлар! Шундай миллий ҳимматгагина таяниб, мен Уфага — "Мадрасаи Олия"га кетдим ".

Чўлпонга нисбатан бундай миннатдорчилик сўзларини Германиядан Абдувахоб Муродий ҳам ёзган.

Хуллас, Чўлпон Ильминский сингари шовинизм билан заҳарланган маърифатпарварларга қарши фаолиятининг илк давриданок ўзбек халқининг истикболи учун кураш майдонига отилган.

Феврал инкилобидан сўнг

1917 йил феврал инкилобидан сўнг Туркистондаги рус большевиклари ташаббуси билан Ишчи ва солдат совети ҳокимиятни қўлга олиш учун қатъий кураш бошлади. Маҳаллий зиёлилар ва рухонийлар ўртасидаги ички низодан фойдаланган большевиклар ўз

мавкеларини кун сайин мустахкамлаб бордилар. "Шўрои ислом" билан "Шўрои уламо" жамиятлари эса бир-бирларининг тагига сув куйиш билан машгул бўлди. Агар шу кезларда Марказий Россиядан Мустафо Чўкаев ва Заки Валидий сингари туркий халклар такдири билан куюнган кишилар келмаганида, эҳтимол, бу жамиятлар ўртасидаги кураш янада кўнгилсиз натижаларга олиб борган бўлармиди.

Заки Валидийнинг асосий максади Бошқирдистонни миллий истиклолга олиб чиқиш бўлган. Лекин вазият шундай эдики, миллий озодлик ҳаракати Туркистон ва Козогистонда кучаймай туриб, Бошқирдистонда Мухторият ҳукуматини барпо этиш мумкин эмас эди. Буни сезган Бошқирдистон марказий совети З.Валидийни Козогистон ва Туркистондаги миллий ҳаракатларнинг раҳбарлари билан алоқа ўрнатиш учун юборган. У Туркистонга келгач, М.Бехбудий, М.Абдурашидхонов, А.Зоҳирий, О.Махмудов сингари ўзбек халқининг пешқадам сиймолари билан учрашиб, миллий ҳаракатни кучайтиришга қаратилган ишларни амалга оширган.

Унинг хотиралар китобида шу ҳақда қуйидаги мухтасар маълумотни ўқиймиз: "Бехбудий, ёш ўзбек шоири Чўлпон, тошкентлик адабиётчи Толибжон, татар Тагир Нўғойкўргонли, самарқандлик Ҳакимзода ва камина бир канча шаҳарларда бўлиб, йигилишлар ўтказдик ва миллий зиёлиларнинг аксар қисмини Туркистон Марказий совети тарафига жалб этдик. Туркистон мустақиллигининг асосий душмани бўлган кадетлар партияси секин-аста маҳаллий аҳолига бўлган таъсирини йўқота бошлади. Биз июннинг бошларига қадар олиб борган жиддий кураш натижасида хуррият гоялари кўпгина вилоятларга кириб борди".

Афсуски, биз бу сатрларда тилга олинган дастлабки истиклолчиларимиз ва уларнинг кейинги такдири ҳақида бирор маълумотга эга эмасмиз. Лекин бу рўйхатнинг бошида турган Бехбудий ва Чўлпоннинг Феврал инқилобидан кейинги миллат манфаати йўлида олиб борган фаолиятлари бизда катта кизиқиш уйғотади. Гап шундаки, ўша кезларда тузилган Туркистон Марказий шўросининг ўзбек зиёлиларини ўз атрофига тўплаши, нафакат кадетлар партияси, балки большевиклар ва бошқа сиёсий партияларнинг фаоллигини ҳам сусайтириши, ният, ўлкадаги сиёсий-ижтимоий вазиятни ўз назоратига олиши мумкин эди. Агар шу максаднинг Туркистон халқлари такдири учун муҳим аҳамиятга молик эканини назарда тутсак, Чўлпоннинг ўзбек ёзувчилари орасида биринчи бўлиб миллий мустақиллик учун курашга жиддий киришгани равшан бўлади. Давр мураккаб, сиёсий партиялар эса кўп бўлгани учун ўзбек зиёлиларининг бирдан-бир тўғри йўлни танлашлари осон кечмади. Чунончи, Назир Тўракулов ва унинг издошлари ўша кезларда большевиклар томонига огдилар. Мунаввар қори, Бехбудий ва Бухоро жадидлари кадетлар партиясига ҳам, социализм гоясига ҳам қарши чиқдилар.

Низомиддин Хўжаев ва унинг тарафдорлари эса социалистик ҳаракатнинг ўнг қанотига мойиллик билдирдилар. Бу, номлари тилга олинган шахсларнинг қарийб барчаси Чўлпонга руҳан яқин кишилар бўлганлиги учун унинг аро йўлда қолган пайтлари ҳам бўлди. У ўзининг сиёсий фаолиятида халқ манфаатларидан келиб чиқишга уринди.

З.Валидий хотираларида Чўлпоннинг шу даврдаги сиёсий-ижтимоий фаолиятига доир баъзи бир қизгилар мавжуд. У, хусусан, Феврал инқилобидан кейинги дастлабки кезларни назарда тутиб, бундай ёзган: "Мен бир-бирига садокатли, самимий дўстларни орттирдим. Дўстона суҳбатлар пайтида айтганим аксар фикрлар, кўп ўтмай, маслакдош ва елкадош дўстларимнинг шеър ёхуд макрлалари шаклига кириб, янги ҳаёт кечири бошлади. Шоир Чўлпон турк халқининг сайлов ҳуқуқлари учун олиб борган курашимиз тўғрисида гўзал бир дoston ёзди".

З.Валидийнинг бу сўзларида тилга олинган дoston, чамаси, ўз вақтида эълон қилинмагани учун бизга етиб келмаган. У, юқорида айтиб ўтилган йигилишларда митингларда ўқилган.

З.Валидий Туркистонда орттирган маслакдошлари тўғрисида сўз борганда, биринчи навбатда, кўпинча Чўлпонни ёдга олган. Улар ўртасидаги узок давом этган дўстона муносабатлар ҳам бу икки сиймонинг маълум даражада сирдош бўлганидан дарак беради. Агар шу нарсани кўзда тутиб, З.Валидий берган куйидаги маълумотни ўқисак, Туркистонда 1917— 1923 йилларда миллий истиклол учун олиб борилган ҳаракатнинг сирли томонларидан парда кўтарилгандек бўлади:

"Дўстим Убайдулла Хўжаев, — деб ёзган у, — юрист сифатида бундай маслаҳат берди: "Таъсис мажлисига сайловлар тўғрисида модда киритилиши мумкин. Бирор жойни сотиб олсанг бўларди ". Мен унинг гапига кириб, Тошкент яқинидаги Охангарон дарёси ёқасида жойлашган Облик, кишлоғидан чорбоғ сотиб олдим. Чорбоғ ажойиб бир ерда жойлашган бўлиб, ундан Чотколнинг қорли чўққилари кўриниб турарди. 1917 йилда менга бу жойда бўлиш насиб этмади, аммо 1922 йили босмачилик ҳаракатига кўшилганларидан кейин Бошқирдистондан келган йигитларимиз шу уйда ойлаб яшашди.... "

Агар тахминимиз тўғри бўлса, Чўлпон Таъсис мажлисига аъзо бўлиш учунгина эмас, балки зарур бўлиб қолганда яшириниш учун сотиб олинган бу чорбоғдан хабардор бўлган. Демак, айтиш мумкинки, унинг миллий озодлик- ҳаракатидаги иштироки факат шеър ва дostonлар ёзиш, ватандошларини истиклолчилар атрофига яқинлаштиришдангина иборат бўлмаган. Бу тахминимизни З. Валидийнинг куйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди:

"Биз умумрусия микёсидаги сиёсий ишларда социалистлар билан бирга ҳаракат қилганимизни ҳеч қачон яширмаганмиз. Ўша пайтда биз миллат ва социализм гояларига хизмат қиладиган эркин социалистик партияни туза бошлаганмиз. Бизнинг ниятимизга кўра, бу партия барча Шарқ халқларини бирлаштириши лозим эди. Унинг ташкилотчилари эса козоқлар томонидан Алихоннинг тарафдорлари, шунингдек, маслакдошларимиз ўзбек Низом Хўжаев, шоир Чўлпон, бухоролик Абдулхамид Орипов эдилар "

З. Валидийнинг бу сўзларига қараганда, Чўлпон Феврал инқилобидан кейинги дастлабки йилларда ижодий ишлари билан бирга Россия тасарруфидаги мусулмон халқларнинг бирлашиши йўлида ҳам кизгин фаолият олиб борган.

Чўлпон ва Мухторият

Тарих миллари 1917 йилга келиб, катта шиддат билан ҳаракат эта бошлади. Феврал инқилобидан кейин икки-уч ой ўтмасдан, Москвада бутун- иттифок умуммусулмонлар курултойи бўлиб ўтди. Курултой қарорлари Туркистонда мавжлана бошлаган сиёсий ҳаёт елканига қучли шомол бўлиб урилди. Июл ойининг ўрталарида Фаргона шаҳрида ўтган вилоят мусулмон ташкилотларининг курултойида "Турк адам марказият" партияси тузилди. З.Валидий "эркин социалистик партия" деб атаган бу сиёсий ташкилот ўз

олдига катор демократик тадбирларни амалга оширишни вазифа килиб қўйди. Чўлпоннинг бу партия аъзоси сифатида олиб борган фаолияти тўғрисида архив материалларида бирорта маълумот учрамайди. Лекин Чўлпоннинг Туркистон Мухторият ҳукуматининг ташкил топишига алоқадор эканлиги, унинг бу ҳукуматини олқишловчи "Озод турк байрам" шеърини ёзганлиги ва бу шеърнинг мухторият мадҳияси ўларок халқ оммаси томонидан қуйланганлиги тасодифий ҳол эмас.

Тошкент большевиклар кўлига ўтгач, 26 октябр куни Кўконда IV Фавкулудда ўлка мусулмонлари курултойи ўз ишини бошлади. Уч кун давом этган курултой Туркистон Мухторият ҳукумати тузилганини эълон қилди. Шу тарихий куннинг эртасига шаҳарда ўтказилган митингда Чўлпон сўзга чиқиб, "Оллоху акбар" деган Мухториятга бағишланган шеърини ўқиди. Шеърнинг ҳар бир сатридан кейин кўп минг кишилик митинг Чўлпон билан бирга "Оллоху акбар" деб Туркистоннинг хурриятга эришганига шукроналар айтди. Шоир каламига мансуб "Озод турк байрами" шеъри эса юзлаб нусхаларда тарқатилиб, турк шарқийлари сингари қуйланди ва халқнинг руҳига рух, ишончига ишонч қўшди. Шеърнинг "Турк бешиги -Туркистон, ери олтун, тоғлари кон! Болалари қахрамон, Ватан учун берур жон!" деган сўнгги сатрларини қуйлаган халқ Мухторият учун жонини ҳам беришга қасамёд этди.

Туркистон Мухторияти кенг халқ оммаси томонидан кизгин кутиб олинганига қарамай, 1918 йил февралнинг иккинчи ярмида советларнинг яхши қуролланган қўшинлари томонидан тор-мор этилди. Шундан кейин Чўлпон, З.Валидийнинг таклифи билан, Оренбургга кетди.

"Оренбургга келиб улғурмасимиздан биз давлат қурилиш ишига қиришдик, — деб хотирлайди З.Валидий. — Ҳукумат раиси адвокат Юнус Бикбоев ва профессор Кулаев шу иш билан шугулланди. 1917 йил декабрида бўлиб ўтган Учинчи Умумбошқирд курултойи йигирма икки кишидан иборат кичик шўро (парламентолди кенгаши) ни сайлади. Биз уларни Оренбургга йигиб олгач, улар адлия ишлари билан машғул бўлдилар, кишлок хўжалиги ва ўрмон бошқарувига оид қонунларни қабул қилдилар. Гарчанд уларнинг ишлари фавкулудда мураккаб шароитларда кечган бўлса-да, менинг барча йигилиш ва муҳокамаларда иштирок этишимга ҳожат бўлмади. Улар менга: "Ўз ишинг билан шугуллан, бошқасини бизга қўйиб бер", дейишди ва мен қўшинни тўплаш ҳамда ички ишлар билан бевосита шугулландим. Бу кишилар бизнинг ишимизга қандай фидойиларча берилган эдилар!".

З.Валидий Оренбургга ўзи билан бирга борган туркистонликлар тўғрисида бундай маълумот берган:

"Кўконда барпо этилган ва Советлар томонидан февралда (1918 йил феввали назарда тутилмоқда — Н.К.) тарқатиб юборилган Туркистон миллий ҳукуматининг баъзи бир аъзолари: Убайдулла Хўжаев, шоир Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), кейинчалик Бухорода ҳарбий нозир бўлган Абдулҳамид Орипов, Тошкент вакилларида Мирмуҳсин, Хива ва Бухородан келган айрим кишилар ҳам шу ерда эдилар. Абдулҳамид Орипов ташки ишлар билан шугулланди, у шоир Абдулҳамид Сулаймон билан бирга менинг қотибим эди".

Модомики, Мухторият ҳукуматининг аъзоси Убайдулла Хўжаев ҳам, Мухториятга бағишланган мадҳиясида "Туркистонли — шонимиз, туронли — унвонимиз, Ватан — бизнинг жонимиз, фидо ўлсун қонимиз!" деб ёзган Чўлпон ҳам, бошқа туркистонликлар ҳам, шу вақтда З.Валидийнинг ёнида бўлган эканлар, демак, улар Оренбургга Туркистон Мухторияти тор-мор этилганидан кейин борганлар. Тахмин қилиш мумкинки, улар

ўзларининг Бошқирдистон миллий ҳукуматини барпо этишга қаратилган фаолиятларида Туркистон Мухторияти томонидан йўл қўйилган хатолардан сабоқ олишга ҳаракат қилганлар.

З.Валидий ўз гуруҳи олиб борган ишлар тўғрисида яна қуйидаги маълумотни берган: "Бизнинг Самара ҳукумати, Ўрол казаклари ва Козогистон билан бирга амалга оширганимиз дастлабки муваффақиятли иш ахборот тўплашдир. Биз ўз агентларимизни олдиндан мўлжалланган жойлар — Уралск (Теке), Хон ўрдаси, Астрахан губернияси, Гурев (Уйшук), Ғарбий Сибирдаги Омск, шунингдек, советлар назорати остидаги Орск, Актюбинск ва Тошкентга юбориб, қисқа муддатда ўз разведхизматимизни вужудга келтирдик. Бу ишларга Орипов раҳбарлик қилди. Бизнинг миллий шоирларимиз Саитғарей Мағаз, Шайхзода Бабиш, ўзбек шоири Абдулҳамид Сулаймон, ёш козок журналисти Беримжон ва бир ўқимишли шоира қиз бу шаҳарларда яширин жойларни ташкил этдилар ва бу жойлар Оренбургдаги марказни гоёт ҳимматли ахборот билан таъминлаб турди".

З.Валидий генерал Дутов қисмларида бундай шошилинч ахборотни тўплаш ишлари яхши йўлга қўйилмагани ва бу нарса унинг ҳарбий операцияларига салбий таъсир ўтказганини айтиб, Тошкентда бўй бераётган воқеалар ҳақидаги маълумотлар тинимсиз равишда Козогистон орқали етиб борганини алоҳида таъкидлаган.

Шундай қилиб, Чўлпон Бошқирдистон миллий ҳукуматининг Туркистондаги вазиятга оид шошилинч маълумотлар билан таъминланишида иштирок этган. Агар З.Валидийнинг юқоридаги сўзларига тегаран назар ташласак, Туркистон Мухториятининг мағлубиятидан кейин Оренбургга йўл олган туркистонликларнинг Козогистонда тўхтагани ва маҳаллий истиклолчилар билан учрашгани маълум бўлади.

Бугун биз Октябр тўнтаришининг дастлабки қунларида нафакат Туркистон, балки Россия тасарруфидаги бошқа мусулмон ўлкаларида ҳам миллий ҳукуматларни барпо қилишга қаратилган уринишлар бўлганини биламиз. Кейинги йилларда бизга яна шу нарса маълум бўлдики, Россия тасарруфида яшовчи мусулмон халқларнинг истиклол-севар фарзандлари ўша кезларда Туркий республикалар федерациясини ташкил этиш фикрида бўлганлар. Бу федерацияга, биринчи навбатда, Туркистон, Козогистон ва Бошқирдистон миллий ҳукуматларининг қириши кўзда тутилган. Чўлпон 1917—1918 йилларда ана шу гоёнинг рўёбга чиқиши йўлида фаолият олиб борган.

Шарқ халқлари қурултойи

Туркистон Мухториятидан кейин Бошқирдистон ва Козогистон миллий ҳукуматлари ҳам большевиклар томонидан тугатилди. Улар туркистонлик мухториятчиларни таъқиб этибгина қолмай, Фарғона водийсида яшовчи аҳолини ҳам ҳонавайрон қилдилар. Туркий халқларга нисбатан аламзада бўлган дашноқлар водийдаги ўнлаб қишлоқларни қонга ботирдилар. Чўлпон, шубҳасиз, большевикларнинг ўз давлатларини минглаб қишлоқларнинг қони ва жони эвазига барпо этаётганларига тинч қараб тура олмади. 1919 йили у "Юриш марши" деган шеърини ёзиб, Турон ўғлонларини қиличини қинга қолмай, она ватанни озод этишга қачқирди. Бугун сарлавҳаси бир оз ғалати туюлган

"Кизил байналмилал" (1919) шеърида эса бундай сатрларини ёзди:

Шарк эллари асир каби ишларлар
Бир ховуч ҳам келмайдиган халк учун...
Шарк элига кутулишга йўл йўкми,
Унга ҳеч ким шафкат кўзин солмасми?
Гарблилардан инсоф, виждон ҳеч йўкми,
Бирор кувват бу зулми олмасми?

Шоир шу сатрлардаги "Шарк эли" сўзлари остида факатгина ўзбек халкини кўзда тутмаган. Ўша йилларда ўзбек халки билан бирга туркий халклар ҳам, Англиянинг исканжасида яшаган хиндлар ҳам "бир ховуч ҳам келмайдиган" халк учун асирлар каби ишламоқда эдилар. Шунинг учун у шу халкларнинг бирлашишини астойдил орзу қилди. 1920 йилнинг 1—5 сентябрь кунларида Бокуда Шарк халклари курултойи бўлиб ўтди. Чўлпон ва унинг маслакдош дўстлари бу курултойдан кўп нарсани кутган эдилар. Лекин Сталин раҳбари бўлган Миллий ишлар халк комиссарлиги ва Мусулмон коммунистларнинг марказий бюроси бу курултой ишини каттик назорат остига олиб, Шарк халклари вакилларининг большевиклар зулми ва тузумига қарши бирлашишига имкон бермади. Чўлпон курултой ишида таржимон сифатида иштирок этди. Курултойнинг Шарк халклари вакиллари учун эътиборли жихати Анвар Пошанинг иштироки эди. Туркистонда айниқса машҳур бўлган бу зотга гарчанд курултойда сўз берилмаган бўлса ҳам, миллий делегациялар, биринчи навбатда, у билан учрашишга интилдилар. Шундай учрашувлардан бири Каспий денгизи бўйларида жойлашган бир уйда бўлиб ўтди.

"Кунларнинг бирида, — деб ёзади Мунаввар қори Абдурашидхонов, — биз Анвар Пошанинг доғистонлилар билан араб тилида суҳбатлашиш учун шу уйга келишидан дарак топдик. Биз ҳам етиб бордик... Орадан бир мунча вақт ўтгач, чиндан ҳам, Анвар Поша пайдо бўлди ва биз билан ўн беш дақиқа суҳбатлашди".

Мунаввар қори бу сўзларни 1929 йилда ҳибсга олинганидан кейин тергов учун ёзиб берган. Шунинг учун ҳам у Анвар Поша билан қанча вақт ва нима тўғрисида сўзлашгани масаласида аниқ бир гапни айтмаган. Аммо шу нарса маълумки, Анвар Поша курултой кунларида Туркистон, Бухоро, Хива, Афғонистон ва Эрон вакиллари билан махфий учрашувлар ўтказган. Чўлпон ана шундай учрашувларда қатнашиб, Анвар Поша билан танишган. Анвар Поша Чўлпонда хайрихоҳлик туйғуларини уйғотган. Унинг туркий халкларни яқинлаштириш гояси ўзбек шоирларига бегона эмас эди. Шарк халклари курултойига қатта умидлар билан борган, курултой бошлангунга қадар Каспий денгизи бўйларида юриб, гўзал юлдузлар билан суҳбатлашган ва уларга "Гўзал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўзла Оталарнинг тарихдаги хатосин; Шул хатодан осуфланиб, ёвларнинг Эл кўксида сурган ишрат, сафосин. Сўзла, англат ўтгандаги турмушнинг Бутун қонлик, шонлик, жонли ерларин. Кўз олдимда жилваланад юрт учун Жонлар бериб, қрнлар тўққан эрлари...", деб ёзган Чўлпон курултойдан эмас, Анвар пошадан кўпроқ умид кутди.

1937 йил 10 августда бўлиб ўтган тергов қайдномасида бундай маълумот билан танишамиз:

"1920 йили Бокуда Шарк халклари курултойи ўтказилди, унда Салимхон Тиллахонов, Наби Рискулов, Гози Юнусов, Мунаввар қори, Обид Чаток, Жўрабоев, мен ва бошқа

пантуркистон арбоблар катнашдилар Делегацияга Рискуловнинг ўзи рахбарлик килди. Курултой пайтида Рискуловнинг якин сафдошлари — Файзулла Хўжаев ва Норбўтабеков Совет ҳокимияти ва Коммунистик партия сиёсатиға карши қаратилган сахнаорти ишини олиб бордилар. Улар "қизил генералларингизни олиб кетинг!" — деган шиор билан чиқдилар. Аммо курултойда уларнинг сўзлари ўтмагач, Туркистон делегацияси "дохийлари" Рискулов рахбарлигида тўпланиб, Совет ҳокимиятиға карши курашни авж олдиришға киришдилар, "босмачилик" кучларини ташкил этиб, бу ҳаракат орқали очикдан-очик, пантуркистик ташкилотнинг курултойдан кейин қабул қилинган қарорини амалға оширдилар".

Шубҳасиз, НКВД томонидан тайёрланган ва қийнок остида қўл қўйдириб олинган сўроқномаларға танқидий қараш, уларда келтирилган фактларни бошқа ҳужжатлар билан қиёслаш ва шу тарзда ҳақиқатнинг олтин зарраларини топиш лозим. Юқорида келтирилган парчанинг ҳам НКВД ходимлари томонидан "иждо қилинганлиги" яққол сезилиб туради. Аммо шу билан бирға, назаримизда, унда ҳақиқат учқунларида йўқ эмас. Чиндан ҳам, курултойнинг коммунистик руҳда қечганлигини қўрган Туркистон делегациясининг илғор қисмида, шу жумладан, Чўлпонда большевиклар зулмидан қутулиш ва мустиқликка эришишнинг бошқа йўлларини ахтариш истағи пайдо бўлган. Улар Мухторият тугатилганидан кейин вужудға қелган ва секин-аста қуч ола бошлаган "босмачилик ҳаракати"да ана шу йўллардан бирини қўрганлар.

Ўша қезларда Англия меҳнатқашлари ўртасида ғалаён қўтарилиб, давлат сиёсий машинаси тебраниб қолган. Жаҳон харитасида юз бераётган воқеаларни синчков назар билан қузатган Чўлпон эса "Улуг Британиянинг бу қунғи ҳокимият"иға деган шеър ёзиб, уни бундай сўзлар билан тугатган:

Мазлумлар эзилган, хор бўлганларнинг
Ғазаб оловлари бир қун туташар!
"Интиқом! Интиқом!" — деган наъралар
Тўлкиндай қутуриб, Темзадан ошар.
Ўшанда Темзанинг сувлари қадар
Қутуриб ошишлиқ бизда ҳам бўлар.

Бу сатрлар билан сўроқ қайдномасидаги Совет ҳокимиятиға қарши қураш ҳақидаги сўзлар ўртасида муайян яқинлик бордек туюлади.

Боши берк қўчаларда

Бухоро Халқ Совет Республикаси барпо этилгач, Чўлпон, қамаси, Файзулла Хўжаевнинг тақлифи билан "Бухоро ахбори" газетасиға муҳаррирлик қилиш учун Бухороға боради.

Бу вақтда Бухоро амирини ағдаришда жаҳидларга ёрдам берган Фрунзе кўшинлари ва, умуман, Совет ҳокимиятининг гаразли нияти ошкор бўлган эди. Шунинг учун ҳам, республика раҳбарлари ўртасида большевиклар таъсиридан ҳалос бўлиш истаги шаклланаётган эди. Лекин большевиклар республика раиси Файзулла Хўжаев билан Марказий Ижроия Кўмитаси раиси Мирза Абдулқодир ўртасига пона кўйишга улгурган ва бу пона раҳбариятни икки гуруҳга ажратаётган эди.

"Барча Бухоро жаҳидлари, — деб ёзади шу кезларда Бухорога келган З. Валидий, — амирни ағдариш учун олиб борган курашларида руслар билан бирлашдилар. Аммо улар Русия босқинчилик ҳокимиятининг чексиз-чегарасиз бўлишига қарши эдилар. Уларнинг шу масаладаги бирдамлиги ҳар қандай мактовга сазовор эди.

Улар окшомлари мени уйларига меҳмонга таклиф қилиб турардилар. Бирок улар ўзаро ҳар доим ҳам ахил бўлмаганлари учун, тагин бирортаси русларга гуллаб кўймасин, деб ташвишланар эдим...

Бизнинг асосий вазифамиз ағдариб ташланган амирга қарши курашни давом эттириш никобида Бухоро миллий армиясини ташкил этиш ва Хива, Туркменистон, Козогистон вакиллари чакриб, "Туркистон миллий иттиҳоди" ташкилотини тузиш эди. Биз шунга тайёрланар эканмиз, июн ойининг бошларидаёқ Бошқирдистондан Козогистоннинг барча бурчагига, Гулжадаги японларга, Фаргона водийсидаги босмачиларнинг таникли раҳбарларига одамлар юбордик".

"Биз козокларнинг "Алаш Ўрда кўмитаси" аъзолари ва туркман зиёлиларини ҳам Бухорога таклиф этдик, — деб давом этади З. Валидий, — уларни Бухоронинг шимол томонида жойлашган Харгуш қишлоғидаги бир хўжаликда кутиб олдик...

Бошқирдистондан келган... офицерларимиз Бухородаги ҳарбий идораларда юкори лавозимларга жойлашиб олишди. Қарши, Шахрисабз, Гузор, Қарманда жойлашган ҳарбий қисмлар (яъни марказий ҳарбий қисмлар) шу офицерларнинг назорати ва таъсири остида бўлди... Бизнинг максадимиз қуйидагича эди: агар руслар бизга миллий кўшинларни қонуний равишда тузишга имкон беришмаса ёхуд биз тузаётган кўшинларни тарқатиб юборишса, босмачиларга қўшилиб, умумий курашни бошлаймиз..."

З.Валидий Чўлпоннинг бу яширин ҳаракатдаги иштироки тўғрисида бирор сўз айтмаган. Айтмаганига эмас, ҳатто Чўлпондан қочиб-яшириниб ҳам юрган. Унинг назарида, рус айғокчилари билан тўлган шаҳарда шоирона қайфият соҳиби бўлган Чўлпоннинг бу ҳақда гуллаб кўйиши мумкин эди. Аммо шунга қарамай, ўша кезларда Харгушда истикомат қилган Чўлпоннинг қор атрофда қўй бераётган воқеалардан, Мухтор Авезов сингари ёзувчиларнинг келаётганидан хабарсиз бўлганига ишониш қийин. Қолаверса, унинг сиёсий вазиятдаги ўзгаришларни, Бухоро республикасининг советлашиб бораётганини сезмаслиги мумкин эмас. Зеро, у ҳали Бухорога бормаи туриб, 1921 йил мартда, "Ҳақирғувчи, ўқирғувчи бир товуш Ботирларнинг қон сўраган тоғидир. Ўқитувчи, ағдарувчи қўзғалиш яқиндаги зўр курашнинг боғидир", деб ўзининг "босмачилик" ҳаракатига ҳайрихоҳлигини ошқора айтган эди. Орадан бир неча ой ўтгандан кейин, Фаргона водийсида қўй берган даҳшатларни ўз қўзи билан қўрганидан қўнг эса "Бўзилган ўлкага" шеърини ёзган ва бундай ҳайкирган эди:

От минганда қушлар қаби ўқувчи,
Эркин-эркин ҳаволарни қучувчи,

От чопганда учар кушни тутгувчи,
Учар кушдай ёш йигитлар каерда?
Тог эгаси — сор бургутлар каерда?..

Чўлпон бундай оловли сатрлари билан азамат йигитларни большевиклар хокимиятига карши курашга чакирган, уларни босмачилар сафига келиб кўшилишга ундаган эди. Хуллас, Чўлпоннинг ҳам, З.Валидийнинг ҳам ташвишлари бежиз оловланмади. Большевиклар турли-туман бахоналар билан БХСРнинг аксар раҳбарларига турли айблар кўйиб, уларни бадном эта бошладилар. Фитрат хибсга олишларидан кочиб, Тошкентга келди. У билан қарийб бир пайтда Чўлпон ҳам Бухорои шарифни тарк этди. Чўлпон Ф. Хўжаевнинг таклифи билан Бухорога борганида, тошкентлик дўст-ёрлар уни курашдан қочишда айблаган эдилар. У бундай қайфиятдаги ўртоқларига жавобан "Мен қочмадим" деган шеърини ёзиб, унда, жумладан, бундай деган эди:

Мен қочмадим! Нега мени "қочди", деб
Йўлга мунча шовкин-сурон қилдингиз?
Қучогини "ўзлиги"га очди, деб
Оқ исмига қора занжир қлдингиз?

Мен "ўзлик"дан қўпдан бери узилиб,
"Қўплик" ичра ботиб кетган танамен.
У "қўплик"нинг қайғусидан чўзилиб,
Қулоч отиб, сузиб юрган яна мен.

Мен янгилар ўлкасидан синмаган
Бир қанотни тақиб олиб қўзғалдим.
Шу йўлимда япроқлари сўнмаган
"Ёш ёғоч"нинг соясида тўхталдим.

Чўлпон бу шеър билан аввалги эътиқодидан қайтмаганини айтиб, "ёш ёғоч" —
Файзулла Хўжаевнинг соясида миллий истиклол учун кураш олиб боришини маълум қилган эди. Лекин бу "ёш ёғоч"нинг япроқлари, қўп ўтмай, тўкила бошлади. Унинг ўзи ҳам ана шу япроқлардан бири ўлароқ тўкилиб, Тошкентга қайтди.
У Тошкентга қайтар экан, поезд Ўрта Осиё темир йўлининг Жумабозор бекатида тўхтаганида, "Юпанмок истаги" деб номланган шеърини ёзади. 1922 йилнинг 9 июнида қозғоқ бетига тўқилган қуйидаги сўзлар Чўлпоннинг қўнғлидаги умид ниҳоли сўнмаганидан дарак беради.
Мана, ўша сатрлар:

Денгизлар қайнаса, тошса сувлари
Қесилса йўлчининг истак йўллари,
Денгизга айланса ўнг ва сўллари,

Балки юпатгуси хўлланган кўзлар?..

Ўйланган йўлларга кўнгил юпанмас,
Кўнгилнинг истаги ўй билан конмас,
Айтарлар: бу тунда ёруғ шам ёнмас,
Чакмаса гугуртни асл ўгиллар...

Чўлпон шуурида кандай кутлуг ниятлар тугилган, бошида кандай олижаноб ўйлар чарх урган бўлмасин, шоир кўнгли факат бир нарсадан — Туркистон ўғлонларининг гугурт чакиб, тунни ёритишларидан мунаввар бўлиши мумкин эди. Чўлпон Анвар Пошани ана шундай ўғлонлардан бири, деб билди. Фалакнинг гардиши билан Бокудан Бухорога бутунлай бошка мақсадда келган Анвар Поша Туркистонда бошланган миллий озодлик ҳаракатига тасодифан кўшилиб, ўша йил август ойининг бошларида сон жихатидан бир неча барабар катта рус армиясига қарши қурашмокчи бўлди. 4 август куни Балжуван яқинида бўлган қахшаткич жангда беш жойидан ўқ еб, ҳалок бўлди. Бу саркардага катта умид боғлаган Чўлпон астойдил қайгуриб, "Балжуван" шеърисида: "Фарёдим дунёнинг борлигин бузсин! Умиднинг энг сўнги ипларин узсин!" — деб қайгу ва аламларини ифодалади.

Чўлпон ва "Дархон"

1923 йили Ўзбекистон ҳукумати босмачилик ҳаракатини тугатиш мақсадида "Дархон" газетасини ташкил этган. "Туркистон" газетасининг муҳаррири Абдулхай Тожиёв, Чўлпон ва Босит Қориев (Олтой) Андижонга бориб, "Дархон" газетасини чиқарганлар. Мутахассисларнинг уқтиришларига кўра, Анвар Пошанинг ўлиmidан кейин босмачилик ҳаракати бир қадар сусайган ва пароканда ҳолга келган бўлиб, унинг давом эттирилиши тинч аҳолини ҳам, "босмачи"ларнинг ўзларини ҳам ҳалокатга олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун, уларнинг айтишларича, Чўлпон бу нозик ишга аралашидан воз кечмаган. Лекин шунга қарамай, у қаердадир ўз виждонига қарши иш тутган ҳисоблаб, каттик изтироб чеккан.

Мухит гирдобиди бир сомон парча,
Бир похол чўпидек оқиб борамен,
Ҳар амал, ҳар ишни "ҳақ", деб борамен,
Вазминим қолмади бир узун қилча,

деб нола қилган у "Сомон парча" шеърисида. Ҳатто шу шеърни қуйидаги бадбин ҳулоса билан тугатган:

Қирмаймен қўчанинг боши беркига,

Чунки таслим бўлдим мухит эркига...

Бундай сатрларни ўқиган китобхоннинг Чўлпон дунёкараши ва фаолиятида кескин ўзгариш юз берганига ишониши мумкин, албатта.

Лекин сўрок кайдномаларини ўқир эканмиз, баъзи бир фактлар бизни ўйлантирмай қўймайди. Чунончи, Чўлпон юкорида номлари кайд этилган хамрохлари билан бирга Андижонга боришдан аввал Кўконда Обиджон Махмудовнинг уйида меҳмон бўлганларини эслаб, бундай деган: "Фаргонада бўлган пайтимизда Обид чаток, Махмудовнинг уйида Абдулхай Тожиев, мен ва Босит Кориёв кенгаш ўтказдик. Шунда Обид чаток, НЭП жорий этилгани учун босмачиларга харши ҳеч қандай тадбир-чорани қўллаш керак эмас, зеро, босмачилик ҳаракати ўз-ўзидан тугайди. Босмачилик — Совет ҳокимиятининг зулмга асосланган сиёсати натижаси. Модомики, НЭП бу зулмга чек қўяр экан, омма босмачиликдан юз ўгиради. Абдулхай Тожиев ҳам Обид чатокнинг далилларига қўшилди..."

Бу сўзларни ўқир эканмиз, уларнинг НКВД ходими томонидан бичиб-тўқилганига ишонгинг келмайди, киши!

Яна шу кайдномада қуйидаги маълумотларга ҳам дуч келамиз. Чўлпон терговчининг саволларига жавоб бериб, бундай деган: "1922—1923 йилларда пантуркистлар ташкилоти қуролланган босмачи-исёнчи кадрларни саклаб қолиш мақсадида босмачилик ҳаракатини секин-аста тугатмоқчи бўлди. Қўнларнинг бирида Рискулов мени ҳузурига чақириб, Мунаввар қори ва Заҳириддин аъламнинг олдига боришим ва улардан Фаргона водийсидаги босмачиларга мурожаатномани олиб, унга келтириб беришимни сўради. Мен Мунаввар қори билан Заҳириддин аъламнинг уйларига бир неча маротаба бордим, лекин мурожаатнома тайёр эмас эди. Нихоят, уч-тўрт кун ўтгандан кейин мен Рискуловнинг кўрсатмаси билан тузилган мурожаатномани Заҳириддин аъламдан олиб, Рискуловга келтириб бердим. Бу мурожаатноманинг мазмуни босмачиликни тинч йўл билан тугатиш ва босмачи-исёнчи қўчларни қелажақ учун саклаб қолишга қаратилган эди".

Сўнгги жумланинг НКВД ходимлари томонидан таҳрир қилингани яққол кўриниб турган бўлса-да, бу парчада ҳам ҳақиқат уруғлари бордек туюлади. Хаттоки, назаримизда, миллатпарвар қишлоқларнинг босмачи қўчларни қелажақ учун саклаб қолиш мақсадида бу ҳаракатни вақтинча тўхтатишга мажбур бўлганлари сезилиб турибди.

Хуллас, Чўлпоннинг "Дархон" газетасидаги фаолияти унинг чекиниши, "сомон парча"га айланиши эмас, балки вазиятга тўғри баҳо беришининг натижаси эди.

Тилак йўлида

1921 йилнинг наврўз қуни эди. Чўлпон Тошкентда яқин дўст-ёрлари билан қўтлуг айёмни қарши олиб, гурунгу қуради. Бу гурунгу иштирокчилари орасида қимлар бўлгани номаълум. Лекин шу нарса аниқки, суҳбат мавзуси миллий истиклол учун қураш масаласига бориб тақалганида, қимдир бу қурашнинг бирор натижа билан тугашига шубҳа билдириб, советлар билан ҳамқўрлик қилишни тақлиф этади. Чамаси, гурунгуда ҳозир бўлган

кишиларнинг аксари бу фикрга қўшилади. Факат бир кишигагина бу фикр ёкмайди. Бу, Чўлпон эди. У шу куни дўст-ёрлари билан хайрлашиб кетгач, "Тилак йўлида" деган шеърини ёзади. Сарлавҳадан кейин "Чарчаганларга" деган багишлови бўлган бу шеър куйидаги сатрлардан иборат:

Кетган йўлим тўғри йўлдир, кетамен,
Кандай тўсик-моне бўлса, ўтамен.
Мен кетамен, тилак, дея кетамен,
Хеч тилаксиз курук танни нетамен?

Тилак йирок, ёгдуси-да кўринмас,
Ой кетармен, йил кетармен, етилмас,
Туйгум унинг изларига урилмас,
Бу йўлларда балки шафкат этилмас.

Яна "тилак", "тилак", дея кетармен,
Бир жон экан, майли, курбон этармен!
Чўлпон шу шеърида ифодаланган ваъдасига содик колди. У ўз тилаги ортидан кетиб,
ширин жонини истикбол ва истиклол йўлида курбон килди.

Наим Каримов